O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ислом КАРИМОВ:*

ҲАЁТ ТЕЗ СУРЪАТЛАР БИЛАН ДАВОМ ЭТМОҚДА, УНИНГ ТАЛАБЛАРИ КЕСКИН ЎСМОҚДА. ЗАМОННИНГ БУНДАЙ ШИДДАТИГА ЧИДАШ, ДАВР ТАЛАБЛАРИ ОЛДИДА ЗАИФ БЎЛМАСДАН ЮРТИ УЧУН, ВАТАНИ УЧУН ЎЗИНИ АЯМАЙ МЕҲНАТ ҚИЛАДИГАН ФИДОЙИ ИНСОНЛАРГИНА БУГУН БУ ҲАЁТ ТЎФОНЛАРИГА, ҲАЁТ СИНОВЛАРИГА БАРДОШ БЕРА ОЛИШИ МУМКИН.


# O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ 29 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

№ 26 (25.576).

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN


ПАРТИЯ АХБОРОТИ

## ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ II ПЛЕНУМИ

2000 йилнинг 26 февраль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг II пленуми бўлиб ўтди. Унда «Мамлакатдаги ялпи сайловлар якунлари ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг навбатдаги вазифалари», «1999 йилги партия бюджети ижроси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2000 йилга партия бюджети тўғрисида»ги масалалар кўрилди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди.

Музокараларда Қашқадарё вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, Сирдарё вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Ҳ. Ортиқбоева, «Бухоротуризм» ҳиссадорлик жамияти раиси М. Зокиров, Фарғона вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби З. Абдуллаева, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Андижон вилоят бўлими раиси А. Солиев, Элликқалъа туман партия кенгаши биринчи котиби Ш. Кенжаев ва Андижон «Тожметалл» АЖ раиси Ш. Ҳасанов сўзга чиқдилар.

Шунингдек, пленумда ташкилий масала кўрилди: Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, «Қизилқумцемент» қўшма корхонасининг бош директори Ў. Рўзиқулов партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси, Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари Ў. Мирзаев, «Шарқ гули» АЖ бошқаруви раиси С. Ғаниева партия Марказий Кенгаши Котибияти аъзолари этиб сайландилар.

Пленумда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси аъзолари, партия марказий сайланма органлари аъзоси бўлмаган вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти кенгашлари тасарруфидаги шаҳар ва туман партия кенгашлари котиблари, ХДП марказий нашрларининг ижодий ходимлари қатнашдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**



*Боғот туманидаги «Искандар Дўсов» номли ширкат хўжалигида ўндан ортиқ цехлар мунтазам ишлаб турибди. Бу «митти цехлар»да тикилаётган турли кийим-кечаклар, тўйларда кийиладиган келин-куёвлар учун махсус тикилган миллий либослар, полиэтилен халтачалар, автомобиль ғилофлари, чинни чойнак ва пиёлалар, сопол уй-рўзғор буюмлари каби харидоргир маҳсулотлар туман ва вилоят аҳолисига кўплаб етказиб берилялти.*

**Суратларда:** *чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ишчилари (чапдан) Нилуфар Рўзибоева, Райхон Бобожонова ва Зулфия Йўлдошевалар.*

■ **Рўзимат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ПОЙТАХТДА ЗУЛФИЯХОНИМ КЎЧАСИ



Ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири, Ўзбекистон халқ шоираси, қатор давлат ва халқаро мукофотлар совриндори, таниқли жамоат арбоби Зулфия (Исроилова)нинг таваллудига 85 йил тўлиши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тавсиясига биноан пойтахт марказий кўчаларидан бири бўлган Хуршид кўчасининг Шайхонтоҳур тумани қисмига ҳамда унга уланаётган янги кўчага Зулфияхоним номини берди.

Амалдаги тартибга кўра кўча боши ва охирига Зулфияхонимга тегишли ёдгорлик лавҳаси ўрнатилади.

■ **Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 29 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади****

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 88,42 |
| 1 Австрия шиллинги | 9,99 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 229,51 |
| 10 Бельгия франки | 34,09 |
| 1 Голландия гульдени | 62,39 |
| 10 Греция драхмаси | 4,19 |
| 1 Дания кронаси | 18,79 |
| 1 БАА дирхами | 39,26 |
| 1 АҚШ доллари | 144,19 |
| 1 Миср фунти | 42,16 |
| 10 Испания песети | 8,26 |
| 100 Италия лираси | 7,10 |
| 1 Канада доллари | 99,41 |
| 1 Хитой юани | 17,42 |
| 10 Люксембург франки | 34,09 |
| 1 Малайзия ринггити | 37,95 |
| 1 Германия маркаси | 70,30 |
| 1 Польша злотийси | 34,73 |
| 1 СДР | 193,23 |
| 1000 Туркия лираси | 0,25 |
| 1 Финляндия маркаси | 23,13 |
| 1 Франция франки | 20,96 |
| 1 Швейцария франки | 85,59 |
| 1 ЕВРО | 137,50 |
| 10 Жанубий Корея вони | 1,28 |
| 10 Япония иенаси | 13,26 |
| 1 Россия рубли | 5,02 |
| 1 Украина гривнаси | 26,13 |

*)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## «ЛОРЕНА» — ЮВИШ ВОСИТАСИ

Янгийўл шаҳрида болгариялик тадбиркорлар ҳамда ўзбек ишбилармонлари билан ҳамкорликда барпо этилган қўшма корхона маҳсулот бера бошлади, — деб хабар беради **мухбиримиз Соҳибжон Салимов.** — «Лорена» деб номланган мазкур корхона кенг истеъмол маҳсулотларидан бўлган ювиш ашёларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозирда «Лорена» тамғаси туширилган дастлабки маҳсулотлар истеъмол бозорига етказиб берилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ II ПЛЕНУМИ ҚАРОРИ*

## МАМЛАКАТДАГИ ЯЛПИ САЙЛОВЛАР ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

1999 йилнинг 5 декабри ва 2000 йилнинг 9 январидаги, тегишлича, давлат ҳокимияти вакиллик идоралари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ялпи сайловлари мамлакатимизни туб ислоҳотлар йўлидан изчил бораётганлигини намойиш этди. Қарорда қайд этилишича, Ўзбекистон ХДП сайловларда фаол иштирок этиб, муайян ютуқларни қўлга киритди. Ундан кўрсатилган номзодлардан 49 нафари Олий Мажлисга, 2203 таси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайланди. Партиямиз вакилининг муқобиллик асосидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштироки ташкилотимизнинг дастурий ғояларини кенг тарғиб этиш, ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир таклифлари билан мамлакат жамоатчилигини кенг таништириш имкониятини оширди.

Буларга Марказий Кенгаш ва маҳаллий партия ташкилотларининг сайловолди мавсумида олиб борган сиёсий, ташкилий, ташвиқий ишлари туфайли эришилди. Бироқ, депутатликка номзодларни танлаш, сайловолди оммавий-сиёсий, ташкилий-ташвиқий ишларни уюштиришда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, сайловлар натижалари, биз учун, олдинги сайловлар якунларига нисбатан бирмунча паст бўлди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши II пленуми ўз қарорида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 1999 йилнинг 5 декабрида бўлиб ўтган ва 2000 йилнинг 9 январида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қониқарли натижаларга эришганлигини қайд этди.

Пленум Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон, барча вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига ўзларининг навбатдаги пленумларида тегишли партия ташкилотларининг сайловларда иштироки якунларини чуқур таҳлил этиб, унинг давомида йўл қўйилган камчиликлар сабабларини аниқлаш, тўғри хулосалар чиқариш, амалий чора-тадбирларни белгилашни топширди.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси олдига сайловлардан кейинги вазият талабларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини ХДП дастурий вазифаларини амалга ошириш, ХДП парламентчилик фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаб олиш, Олий Мажлисдаги партия депутатлик фракциясига, қонунчилик фаолиятини фаоллаштириш доирасида, қатор етилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалалар юзасидан қонунчилик ташаббуслари билан чиқишни таклиф этиш, вилоят, шаҳар, туман партия ташкилотларининг давлат ҳокимияти барча даражалардаги вакиллик идораларидаги ХДП депутатлар гуруҳлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш масаласини Марказий Кенгаш пленумларидан бирига киритиш вазифаси қўйилди.

Пленум, ҳозирги кун талаблари асосида, Ўзбекистон ХДП тузилмаларини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаб, Сиёсий ижроия қўмитага тақдим этиш, маҳаллий партия ташкилотларини замонавий, етук кадрлар билан мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этишни Марказий Кенгаш Котибияти зиммасига юклади.

Партия фаолиятида аҳоли ўртасида бевосита ишлаш асосий ўрин эгаллаётганлигини ҳисобга олиб, республиканинг барча шаҳар ва қишлоқларида ХДП ҳудудий (бошланғич) ташкилотларини шакллантириш жараёнини, 2003 йилга келиб, асосан, тугатиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон ХДПнинг янги таҳрирдаги Дастури ва Низомини партия аъзолари томонидан чуқур ўрганишни ташкил этиш ва уларда баён этилган бунёдкорлик, ислоҳотчилик ғояларини аҳоли барча табақалари орасида кенг тарғиб қилишни йўлга қўйиш, — дейилади қарорда, — партия ташкилотларининг долзарб мафкуравий вазифалари ҳисобланади.

Партия матбуот нашрлари таҳририятларига ўз фаолиятларини ҳозирги талаблар асосида ташкил этиб, партиянинг парламентчилик ишига самарали кўмаклашиш масаласига эътиборни кучайтириш таклиф этилди.

** Қарорнинг қисқартирилган баёни*

ЙИЛ ОЙ КУН

## ИЖРОЧИ ЎЗБЕК, РАҲБАР ЎЗБЕК, ҚАРОР РУСЧА?!

Янгийўл туманидаги Янгийўл давлат хўжалиги раҳбари жаноб Тўрақулов ижара ери хусусида тўртта қарор чиқарди. Ўзбек деҳқонининг ризқ-насибасига таaллуқли қарорнинг тўрталаси ҳам русча ёзилгани жуда ғалати. Ижарачи ўзбек, ер ўзбекники, раҳбар ўзбек, ундай бўлса, русча қарор чиқарилгани нимаси?

## «ГЛИПИЛ» — ҚАНДЛИ ДИАБЕТГА ҚАРШИ



**Тошкент вилоятида илк бор қандли диабет хасталигига қарши ишончли препарат — «Глипил» хапдориси ишлаб чиқарила бошланди.**

«Самитол» (сиртқи актив моддалар) илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Тоҳир Маҳмудов томонидан яратилган бу дори шу давргача фойдаланишда бўлган ва амалда ишлатилаётган синтетик антибиотик «Глюренорм», «Диабетон», «Манинил» сингари дори-дармонлардан афзаллиги қонни қанд моддаларидан тез тозалаши, табиийлиги, ишончлилиги, энг муҳими арзонлиги билан ажралиб туради. «Глипил» хапдорисининг яна бир ижобий хусусияти шундаки, ундан нафақат катта ёшдаги беморлар, балки қандли диабет касаллигига чалинган болалар ҳам фойдаланиши мумкинлиги амалда синаб кўрилган, — деб ёзади **мухбиримиз Соҳибжон САЛИМОВ**.

## ИБН СИНО ҚАСАМЁДИ

**Ҳамкасбимиз Моҳигул Сувонова**нинг хабар беришича Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Абу Али ибн Сино халқаро жамғармасининг I-республика конференцияси ўтказилди.

Унда жамғарма раиси ўринбосари, профессор Зуҳра Ботированинг бўлажак шифокорлар институтни битириш арафасида Гиппократ эмас, балки улуғ аждодимиз, аллома Ибн Сино қасамёдини қабул қилишлари керак, деган фикри инобатга олинди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## «ҚАНИ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 23.12. 99 йилдаги саҳифасида чоп этилган «Қани қонун устуворлиги?» сарлавҳали мақоласи юзасидан қуйидагилар маълум қилинади.

Аниқланишича, Бухоро вилоят суди 30.09.98 йилда Хатирчи туман Ш. Рашидов (эски К. Маркс) жамоа хўжалигининг собиқ раиси Р. Исмоилов фойдасига 261772 сўм 56 тийин, С. Мажидов фойдасига 263616 сўм 40 тийин, Б. Чаққонов фойдасига 210630 сўм тергов ва суд органлари айби билан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан ажрим чиқариб, уни ижро этиш учун Навоий вилоят молия бошқармасига юборган.

Суднинг бу ажрими маълум вақт Навоий вилоят молия бошқармаси раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 15.04.94 йилдаги № 90-сонли «Ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилган фуқаролар кўрган зарар бюджет маблағлари ҳисобидан қопланаётганда давлатнинг молиявий манфаатларини ҳимоялашга доир ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғига кўра, ижрога қаратилмасдан келинган.

Сабаби, ушбу буйруқнинг 5-банд 5-хат бошисида «Оқланган фуқароларга Республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплама суммаларини тўлаш мақсадида рухсатнома олиш учун зарур барча ҳужжатлар жойнинг ўзида етарлича пухта ишлаб чиқилгандан кейингина уларни тўлиқ тўплам ҳолда Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигига тақдим этиш» кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 18.10.99 йилдаги № 6-340-99 сонли алоқа хатида юқорида номлари қайд этилган фуқароларга Бухоро вилоят судининг 30.09.98 йилдаги ажримини таъминлаш зарурлиги қайд этилгани боис, Навоий вилоят молия бошқармаси мазкур шахсларга суд ажримини ижрога қаратиш мақсадида 05.11.99 йил куни 08-83/1269-сонли сўров хати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига мурожаат қилиб, тегишли ҳужжатларни тақдим қилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг оғзаки топшириғига асосан, Бухоро вилоят судининг 30.09.98 йилдаги ажрими ижрога қаратилиб, Хатирчи туман молия бўлимининг 1432-сонли тўлов топшириқномасига асосан, Р. Исмоиловга 261772 сўм 56 тийин, С. Мажидовга 233616 сўм 40 тийин, Б. Чаққоновга 210630 сўм, жами 706018 сўм 96 тийин етказилган моддий ва маънавий зарар суммаси маҳаллий бюджет ҳисобидан Хатирчи туман халқ банкига 29.12.99 йил куни кўчирилган.

Фуқаро Б. Чаққоновга тўланиши лозим бўлган 210630 сўм 12.01.2000 йилда, С. Мажидовга тўланиши лозим бўлган 233616 сўм 40 тийин 24.01.2000 йилда, Р. Исмоиловга тўланиши лозим бўлган 261772 сўм 56 тийин 11.02.2000 йилда мижозларнинг аризасига асосан Хатирчи туман «Пахтабанк»и жамғармаси ҳисобига ўтказилган. Хатирчи туман «Пахтабанк»идан Б. Чаққонов 26.01.2000 йил куни 210630 сўм, С. Мажидов эса 02.02.2000 йил куни 233616 сўм 40 тийин уларга етказилган моддий ва маънавий зарар суммаларини олишган.

Фуқаро Р. Исмоилов эса унга етказилган моддий ва маънавий зарар суммасини Хатирчи туман «Пахтабанк»идан олиш учун мазкур банк билан ўзининг аризасига асосан шартнома тузган бўлса-да, номаълум сабабларга кўра ҳанузгача юқорида кўрсатилган моддий ва маънавий зарар суммасини туман «Пахтабанк»идан келиб олмаган.

■ **Б. КАЛОНОВ,**
**Навоий вилоят прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси**

# МАМЛАКАТДАГИ ЯЛПИ САЙЛОВЛАР ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК БИРИНЧИ КОТИБИ АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВНИНГ МАРКАЗИЙ КЕНГАШ II ПЛЕНУМИ (26.02.2000)ДАГИ МАЪРУЗАСИ***

Маърузанинг дебочасида мамлакатимизда бўлиб ўтган ялпи сайловлардан сўнг қарор топган сиёсий вазият, иқтисодий islоҳотларнинг, муайян қийинчиликларга қарамасдан, изчиллик билан олиб борилаётганлиги қайд этилади. Шунингдек, ўтган йилги Тошкент ва Янгиободдаги ҳамда Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг бизнинг чегараларимизга яқин ҳудудларидаги нохуш воқеалар мустақиллик душманларининг ислоҳотларни тўхтатиш учун ҳеч нарсадан қайтмасликларидан далолат эканлиги таъкидланади.

Бундай вазиятда, — дейилади маърузада, — давлат ҳокимияти барча тармоқлари, нодавлат жамоат бирлашмалари, турли ижтимоий кучлар, шу жумладан сиёсий партияларнинг, ислоҳотлар тақдири учун масъулияти ошмоқда, улардан мамлакат тараққиёти йўлида янада самаралироқ фаолият кўрсатиш талаб этилмоқда.

## САЙЛОВ — ЖИДДИЙ СИНОВ

Маърузанинг ушбу қисмида Ўзбекистон ХДПнинг мустақил мамлакатимиз тарихида 1999 йилда иккинчи марта бўлиб ўтган давлат ҳокимияти вакиллик идораларига ялпи сайловлардаги иштироки таҳлил этилган.

Партиямиз навбатдаги умумий сайловларни ўтказиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниши билан, уларга тайёргарлик кўришни бошлаб юборди. Масала Марказий Кенгаш пленумида кўрилиб, партия ташкилотларининг шу соҳадаги вазифалари белгиланди, қонунларда кўзда тутилган барча талаблар (сайловчилар имзоларини тўплаш, депутатликка номзодларни кўрсатиб, рўйхатдан ўтказиш, уларнинг ишончли вакилларини танлаш ва ҳоказолар) ўз вақтида бажарилди.

Марказий Кенгаш мамлакатимизнинг йирик жамоат бирлашмалари — республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ногиронлар жамияти, «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия жамғармаси, Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Мусулмонлари идораси билан, сайловолди мавсумида ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар тузди. Партия ташкилотлари уларнинг жойлардаги тузилмалари, бошқа маҳаллий жамоат бирлашмалари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйдилар.

Ўзбекистон ХДП, гарчанд, олдинги сайловларда иштирок этиб, муайян тажриба орттирган бўлса-да, ушбу сайловларнинг партиямиз учун анча мураккаб бўлганлигини очиқ айтиш керак. Чунки, аввалги сайловлардан кейин ўтган давр мобайнида қатор янги сиёсий партиялар ташкил топдилар ва маълум даражада оёққа турдилар. Мустақил номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга ташаббускор гуруҳларни тузиш мумкинлиги ҳақидаги янги қоида сайловлар тўғрисидаги қонунларга киритилди ва ҳоказолар.

Натижада, кўрганларимиз кутилгандан ортиқ бўлиб чиқди. Сайловлар тўғрисидаги қонунлар мавжудлиги ва Марказий сайлов комиссиясининг муайян саъй-ҳаракатларига қарамасдан, сайлов жараёнида партияга нисбатан айрим тазйиқлар ҳам бўлди. Республикамизнинг қатор оммавий ахборот воситаларида партиямиз, унинг Дастури ва сайловолди сиёсий ҳужжатлари, Олий Мажлисдаги фракцияси ҳамда номзодлари шаънига баъзи ноўрин чиқишлар бўлди ҳамда эфирга узатилди. Хусусан, айрим матбуот нашрлари ва телевидениенинг мамлакатдаги нуфузли партиялардан бирига нисбатан шундай йўлни тутиб, бошқа бир партияга очиқ ён босганликлари, бизга овоз бериши мумкин бўлган сайловчиларнинг бир қисмига салбий таъсир кўрсатгани шубҳасиз.

Ушбу ҳодисанинг асосий сабаби, албатта, — айрим оммавий ахборот воситаларининг бирёқлама фикр юритганлигидир. Шу боис, барча демократик жамиятларда бўлганидек, мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари том маънода ҳурфикрли бўлмас эканлар, бундай ҳолларнинг такрорланишидан кафолатланмаганмиз.

Партиямизга кўрсатилган тазйиқ оқибатларининг яна бир кўриниши, бу — унинг вакиллари томонидан ўз номзодларини қайтариб олиш амалиёти бўлди. Давлат ҳокимияти барча даражалардаги вакиллик идораларига партиямиздан кўрсатилган 6344 та номзоддан 475 тасининг айримлари (шундан Олий Мажлис депутатлигига — 66 та) турли тазйиқларга учраб, сайловда қатнашмаслик тўғрисида ариза берди. Албатта, номзодларимизнинг иродасизлик қилганликларини ҳам яширмаймиз.

Сайловолди мавсумидаги қийинчиликлар тўғрисида гапирганимизда, матбуот нашрларимиз ададларининг пасайиб кетганлиги, қатор маҳаллий партия ташкилотларининг молиявий имкониятлари жиддий камайганлигини ҳам эслатиб ўтиш лозим.

Ана шундай вазиятда ўтган сайловларда партиямиз иштирокининг натижалари қуйидагича бўлди: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига партиямиздан 48 та, қўшимча сайловдан кейин яна битта, жами 49 та, депутат сайланди. Бу парламентдаги барча депутатларнинг қарийб 20 фоизига тенг. Партиямиздан депутатликка кўрсатилган номзодлардан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига сайловларда 20 нафар; вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига — 221 киши; шаҳар ва туман Кенгашларига — 1962 нафар вакилларимиз ғалаба қозонди. Партиямиздан Олий Мажлисга сайланган депутатлар 2,3 миллион, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят Кенгашларига — қарийб 3 миллион ва шаҳар, туман Кенгашларига — 3,3 миллион сайловчининг овозини олишга муваффақ бўлдилар.

Шуларга асосланиб, **партиямизнинг ялпи сайловларда қўлга киритган натижаларини, асосан, қониқарли бўлди,** дейиш мумкин. Лекин, масалага чуқурроқ ёндошиб, маҳаллий ташкилотларимизнинг ушбу натижага қандай ҳисса қўшганини ўрганиб чиқсак, аҳволнинг бир текис эмаслигини кўрамиз. Жумладан, Қашқадарё ва Бухоро вилоят партия ташкилотлари(кенгашлар биринчи котиблари Ф.Омонов ва Ж.Нуруллаев) Олий Мажлисга сайловларда энг яхши натижага эришдилар: Қашқадарёда 10 та ёинки кўрсатилган барча номзодларимизнинг қарийб ярми, Бухорода — 6 киши ёки ХДПдан иштирок этган 15 номзоднинг 40 фоизи парламент аъзоси бўлди.

Партиямиз вакиллари халқ депутатлари Қизириқ туман Кенгашида унинг барча аъзоларининг 80, Янгиқўрғон туман Кенгашида — 74, Бўз, Навбаҳор, Нишон, Шаҳрисабз, Қонликўл ва Қораўзак туман Кенгашларида — 64, Коғон, Учқудуқ, Чиноз, Чортоқ, Фарғона, Қарши, Шаҳрихон ва Янгийўл туман Кенгашларида — 60, Тошкент шаҳрида — 40 фоизини ташкил этди.

Айни пайтда, мамлакатимиздаги барча маъмурий ҳудудларда ҳам **сайловлар натижаси партиямиз учун қониқарли бўлди, дея олмаймиз**. Жумладан, қайта овоз бериш, қўшимча чоралар кўриш натижасидагина, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий ва Сирдарё вилоятларидан Олий Мажлисга биттадан депутат сайланишига эришдик. Парламентга партиямиздан сайланганлар орасида Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразмдан 2-3, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий ва Сирдарё вилоятларидан биттадан депутат бор, холос. Вакилларимиз салмоғи халқ депутатлари Қўқон ва Ширин шаҳар, Андижон, Балиқчи, Избоскан, Тошлоқ ҳамда Қибрай туман Кенгашларида жуда паст.

Бунинг асосий сабаблари, юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари, қуйидагилар:

**Аввало**, қатор маҳаллий партия ташкилотларининг ушбу сайловлар арафасида сиёсий рақобатнинг кучайиши, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошиши муқаррарлиги тўғрисидаги огоҳлантиришларга қарамай, депутатликка номзодларни танлаш ва уларни сайловчиларга муносиб тақдим этишда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйдилар. Бу ҳол, айниқса, Самарқанд вилоят партия кенгаши фаолиятида яққол кўзга ташланди. Бу ердаги қатор сайлов округларида Олий Мажлис депутатлигига эл-юртга яхши танилмаган, етарли обрў - эътиборга эга бўлмаган, ҳатто, айрим ҳолларда, сиёсий эътиқоди суст, иродаси бўш номзодларнинг партиямиздан кўрсатилганлиги қониқарсиз натижага олиб келди. Бундай ҳолат Фарғона, Андижон, Тошкент ва қатор бошқа вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловида ҳам кузатилди. Ўз номзодларини қайтариб олишларнинг асосий сабабларидан бири ҳам шу.

**Иккинчидан,** деярли барча вилоят ва қатор шаҳар, туман партия кенгашлари биринчи котиблари номзодларининг Олий Мажлис депутатлигига қўйилиши жиддий хатоларимиздан бири бўлди. Уларнинг нокамтарлиги, ўзига ортиқча баҳо бериши бизнинг огоҳлантиришимиздан устун чиқди. Улар, асосан, ўз сайлов юмушлари билан ўралашиб, ХДПдан кўрсатилан бошқа номзодларга етарлича амалий кўмак бера олмадилар. Бунинг оқибатини биламиз: парламентга (18 нафар) ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига номзод этиб кўрсатилган (70 та) қатор партия кенгаши биринчи котиблари кўпчилик сайловчиларнинг овозини олишга ожизлик қилдилар.

**Учинчидан,** маҳаллий партия кенгашлари раҳбарларининг айби билан, мамлакат Олий Мажлиси депутатлигига 1 та, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига — 16 та, халқ депутатлари вилоят Кенгашларига —19 та, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлигига 114 та ўринга биздан номзод кўрсатилмади. Ташкилотларимиз бўлажак номзодларни илгарироқ ўрганиш, тегишли заҳирани тузиш иши билан олдиндан ва астойдил шуғулланмаганликлари сабабли шундай аҳвол юз берди.

**Тўртинчидан,** партия ташкилотлари депутатликка номзодларни танлашда хотин-қизлар ва ёшлар вакилларини кўрсатишга етарли эътибор бермадилар. Шунинг учун партиямиздан сайланган депутатлар орасида муносиб аёллар ва ёшлар улуши жуда оз. Масалан, Андижон, Бухоро, Наманган, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашларига партиямиздан биттадан хотин-қиз депутат сайланган, Сурхондарёда умуман йўқ, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистондаги шаҳар ва туман Кенгашларига биздан улардан биронта ҳам сайланмаган. Ёшлар масаласида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

**Бешинчидан,** кўп жойларда сайловолди мавсумида оммавий тадбирларни ўтказишга зўр бериб, сайловчилар билан яккама-якка ишлашга етарлича эътибор берилмаганлиги боис, фуқароларнинг муайян гуруҳлари ташкилотларимиз таъсир доирасидан четда қолдилар. Оқибатда, сайловчиларнинг бир қисми кимга овоз беришини яхши билмай қолди.

Ҳар бир минтақада ўзига хос бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин ва ташкилотларимиз ўз пленумларида у ҳақда батафсил тўхталиб ўтадилар, албатта.

Икки оғиз сўз, **партиямизнинг Президент сайловидаги иштироки** хусусида. Партия III Қурултойининг бу ҳақдаги қароридан хабарингиз бор. Сайлов якунларини ҳам биласиз. И. А. Каримов ҳақли равишда республикамизнинг Президенти этиб қайта сайланди. Лекин, бизнинг меҳнатимиз ҳам зое кетмади. **Муқобиллик асосидаги сайлов натижасида, мамлакатимизда илдиз отаётган демократик тамойиллар мустаҳкамланди. Партиянинг обрўйи ошди, унга хайрихоҳлар кўпайди.** Чунки, унинг дастурий мақсад-муддаоси ва ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан таклифларини халққа етказиш имкониятидан кенг фойдаланилди.

Зикр этилганлардан хулоса шуки, ҳар қандай сайловда ғалаба қозониш учун унга олдиндан, ҳар томонлама, пухта тайёргарлик кўриш, ташкилий-амалий, оммавий-сиёсий ва тарғибий-ташвиқий ишлар самарадорлигини ошириб бориш лозим.

## ФРАКЦИЯ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК!

Сайловлар ортда қолиб, эндиликда, олдимизда янги муҳим вазифа — уларнинг натижаларига таяниб, партиямизнинг сайловолди Сиёсий дастурида баён этилган ғояларни ва номзодларимиз берган ваъдаларни бажариш палласи бошланди. Бу ишда ҳар бир депутатнинг масъулият ва ғайрат билан ишлашидан ташқари, партиямизнинг парламентдаги фракцияси фаолиятининг аҳамияти ҳам катта.

Олий Мажлис биринчи сессияси арафасида фракциямиз тузилиб, Марказий Кенгаш котиби И. А. Кочмарик унинг раиси этиб сайланди. Фракция олдида турган вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун қуйидагиларга эътибор бериш муҳим, деб ҳисоблаймиз. Маълумки, фракция аъзоларидан 37 нафарининг депутатлик мартабасига биринчи марта эришганликлари боис, уларда парламентчилик тажрибаси етишмайди. Шунинг учун депутатлар парламент, унинг қўмита, комиссия сессиялари, ҳамда фракция ишида фаол иштирок этиш орқали парламентчилик сир-асрорларини ўрганиб, муайян малака орттирадилар .

Фракциянинг вазифаси депутатларнинг қонунчилик фаолияти ва сайловчилар билан алоқаларини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат. Тажриба сайловчилар билан мунтазам учрашмаган, уларнинг таклиф ва истакларига етарли эътибор бермаган, амалий ишлари билан фуқаролар ҳурматини қозонмаган депутатлар қайта сайланмай қолаётганликларини кўрсатмоқда. Номзодлари Олий Мажлис депутатлигига партиямиздан иккинчи марта кўрсатилган 22 кишидан 10 нафарининг қайта сайланмаганлиги фикримизни тасдиқлайди. Вакилларимиз минтақалар ривожланишига доир лойиҳаларни тайёрлаш, қишлоқ инфратузилмаларини ривожлантириш ҳамда «Соғлом авлод йили»га доир давлат дастурларини амалга оширишдан ҳам четда туролмайдилар.

Маърузада партия ташкилотларининг ушбу соҳадаги вазифаларига тўхталиб, Марказий Кенгашнинг **парламентдаги ХДП фракциясини депутатларимиз фаолиятини уюштирувчи, мувофиқлаштирувчи, уларга ахборий- услубий ёрдам кўрсатувчи муҳим тузилма,** деб қараши алоҳида таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, Марказий Кенгаш фракциянинг фаолиятини ҳамиша диққат марказида тутиб келмоқда ва маҳаллий партия ташкилотларидан ҳам масалага шундай ёндошишни талаб этмоқда. Шу муносабат билан, айрим партия кенгашларининг ўтган даврда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партиямиз гуруҳларини ва депутатлик қабулхоналарини тузишда сусткашликка йўл қўйганликлари, депутатлар билан ишлашда ўзибўларчилик йўлини тутганликлари танқид қилинди. «Касални яширсанг, иситмаси билинтирар», деганларидай, буларнинг оқибати охирги сайловлар пайтида намоён бўлди.

Маърузачи тўпланган тажриба ва истиқболдаги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, **партиянинг келгуси даврдаги парламентчилик фаолияти асосий йўналишларини** ишлаб чиқиш, унда, ХДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлик фракцияси ишини такомиллаштириш мақсадида, унинг таркибида лойиҳаларга доир таклифларни тайёрловчи ишчи гуруҳларини тузиш, фракция аъзоларининг қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқларидан кенгроқ фойдаланиш ғоясини илгари сурди.

Мамлакатимизнинг демократик ривожланиш йўлидан илдам бораётганлиги ва кейинги сайловлар тажрибасидан келиб чиқиб, Олий Мажлисдаги фракциямизга долзарб муаммолар юзасидан қонунчилик ташаббуси билан чиқишни фаоллаштириш тавсия этилади. Фракциямизнинг бу ҳақдаги айрим таклифлари Олий Мажлис раҳбариятига тақдим этилганлигини инобатга олиб, қуйидаги етилган масалаларга эътиборни қаратмоқ таклиф этилди.

**Биринчи.** Жаҳондаги илғор демократик мамлакатлар тажрибасига таяниб, барча даражалардаги давлат ҳокимияти вакиллик идоралари депутатлигига, асосан, сиёсий партиялар орқали сайланишни қонунлаштириш.

**Иккинчи**. Сиёсий партияларни, парламентга улардан сайланган депутатлари сонига қараб, ҳукмрон, яъни идора этувчи, ва мухолиф партияларга ажратиш ҳамда уларнинг мақоми, ҳуқуқ ва бурчларини қонунларда белгилаб қўйиш.

**Учинчи**. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини икки палатали парламентга айлантириш тўғрисидаги, Президент И. А. Каримов яқинда олға сурган, ғояни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этиш.

**Тўртинчи.** Амалдаги сайлов тизимини такомиллаштириш. Чунончи, парламент ва давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайловларнинг айри ўтказилиши тўғрисидаги қоидани сайлов тўғрисидаги қонунларда акс эттириш. Бу билан сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлар сайловларига етарли эътибор бериши таъминланади.

Сайловлар тўғрисидаги қонунларга ҳар бир сиёсий партиянинг депутатликка номзод этиб фақат ўз аъзоларини кўрсатиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидани киритиш. Чунки, амалдаги, яъни сиёсий партиялар аъзоларининг бошқа ташкилотлар томонидан ҳам депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкинлиги ҳақидаги, тартибнинг сақланиши сиёсий партиялар учун ҳам, сайловчилар учун ҳам талай ноқулайликлар туғдирмоқда.

Сайловлар тўғрисидаги қонунларда кузатувчилар мақомини пишиқ-пухта белгилаш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кузатувчилар қатор жойларда овоз бериш жараёнини кузатишга қўйилмаганлар ёки берилган овозларни санаш пайтида иштирок этиш у ёқда турсин, ҳатто, овоз бериш натижаларидан хабардор ҳам қилинмаганлар.

**Бешинчи.** Республикамиз парламентини профессионал асосда шакллантириш. Парламент профессионал аъзоларининг қонунлар лойиҳалари устида малакали ишлашлари, уларни муҳокама этишга жиддий ҳисса қўшишлари, янги қонунчилик ташаббуслари билан чиқишларининг самаралироқ бўлиши шубҳасиз.

**Олтинчи**. «Сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонун»да кўзда тутилган, уларнинг сайловларда иштирок этиши муносабати билан давлат томонидан уларга молиявий ёрдам (субсидия) берилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидани амалга оширишнинг мурватларини яратиш, шунингдек, ҳар бир сиёсий партияга, ўзининг махсус сайловолди жамғармасини тузишнинг ҳуқуқий асосларини вужудга келтириш лозим. Амалдаги қонунчилик шу мақсадда ҳомийлардан маблағлар йиғишни уларга рухсат этмайди.

Фракциямиз ўз фаолияти давомида бошқа муҳим қонунчилик ташаббуслари билан ҳам чиқади, албатта.

Маърузадан парламентчилик фаолиятини такомиллаштириш доирасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиявий гуруҳлар ишини яхшилаш масаласини Марказий Кенгашнинг бўлажак пленумларидан бирида, кўриб чиқиш таклифи ҳам ўрин олди.

## МАФКУРАВИЙ ИШ — УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН

Маърузачи партиянинг сайловолди мавсумидаги мафкуравий фаолиятини таҳлил қилиб, унинг, **биринчидан**, партиянинг Дастури ва Низомини янгилаш ҳамда сайловолди сиёсий ҳужжатини ишлаб чиқиб, уларнинг мазмун-моҳиятини оммалаштириш, **иккинчидан**, сайловолди ташвиқий ишлар йўналишларида олиб борилганлигини кўрсатиб ўтди.

Бундан саккиз йил олдин қабул қилинган ХДП Дастури ва Низомини давр талабларига мослаштириш, уларни янги хулоса ва қоидалар билан бойитиш жиддий назарий-сиёсий иш бўлганлиги боис, Марказий Кенгаш раҳбарияти ўтган йилнинг ўрталаридан бошлаб бу масалага алоҳида эътибор берди. Шу мақсадда тузилган ишчи гуруҳи мустақиллик йилларида Ўзбекистон босиб ўтган йўлни ва ХДПнинг II Қурултойдан кейинги фаолиятини чуқур таҳлил этиш асносида, унинг долзарб жорий ҳамда истиқболдаги вазифалари, партиямизнинг XX аср ниҳояси ва XXI аср бошларида мамлакат тараққиётига оид қарашлари ҳамда таклифлари мужассамлашган янги таҳрирдаги Дастури ҳамда унинг таркибий қисми — партиянинг сайловолди Сиёсий дастури лойиҳаларини тайёрлади.

Ушбу ҳужжатлар ХДП III Қурултойида қабул қилиниши билан, уларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга киришилди. Дастур ҳамда Қурултойнинг бошқа ҳужжатлари «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида эълон қилинди. Сайловолди ташвиқоти бошланиши билан, партиянинг сайловолди Сиёсий дастури матни газеталарда ҳамда кўп минг нусхали плакатлар тарзида эълон этилди. Республика телевидениеси ва радиосида партиямизнинг қатор клип ва роликлари, Марказий сайлов комиссияси белгилаган тартибда, бериб борилди.

Республика Президентлигига партиядан кўрсатилган номзоднинг матбуот, телевидение ва радио орқали сайловолди чиқишлари ва сайловчилар вакиллари билан учрашувлардаги нутқ ва маърузаларида партиянинг дастурий ғоялари ва жорий сиёсатининг халқчил аҳамияти ҳар томонлама тушунтирилди. Депутатликка номзодларимиз, уларнинг ишончли вакиллари ва тарғиботчиларнинг ҳам сайловчилар ўртасидаги ишлари шу ўзанларда олиб борилди. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бу ишларда партияга катта ёрдам кўрсатдилар.

Зикр қилинганлар асосида, **партиянинг сайловларда қўлга киритган натижаларида мафкуравий, оммавий-сиёсий ишларнинг ҳам муайян ҳиссаси бор**, дейиш мумкин.

Бироқ, бу соҳадаги кўзга ташланган нуқсон ва камчиликлар бўлмаганида, ютуқлар салмоғи янада каттароқ бўлиши мумкин эди. Жумладан, мамлакатимиздаги айрим оммавий ахборот воситаларининг партиямизга қарши ноҳақ чиқишларига Марказий Кенгаш раҳбарияти ёки унинг ташаббуси билан жавоб берилганда, ташкилотларимиз ва матбуотимизнинг бунга тайёр эмаслиги билинди.

Мулоҳазалилик, вазминлик ва босиқлик — партиямизга хос хусусиятлар. Аммо, унинг дастурий ғоялари ва сиёсати, амалий ишларига иснод келтирувчи ҳужумларга бефарқ бўлсак, сафдошларимиз, ватандошларимиз бизни тушунмайдилар. Туҳматчиларга асосли жавоб бериш — бутун партиянинг, унинг сафларида бўлган қаламкашларнинг, матбуот нашрларимиз таҳририятининг, қолаверса, ХДП ҳар бир аъзосининг бурчидир.

Сайловолди давридаги мафкуравий ишларимизда йўл қўйилган нуқсонлар ҳақида гапиришдан мақсад — уларнинг сабабларини аниқлаб, такрорланишининг олдини олиш ва, энг муҳими, кейинги фаолиятимизнинг самарадорлигини оширишдир. Бунинг учун, барча партия ташкилотларининг **биринчи вазифаси** — қилинган ишларга таҳлилий-танқидий назар ташлаб, уларни талаблар даражасига кўтаришнинг чора-тадбирларини белгилаш.

**Иккинчи вазифа — партиямизнинг янги таҳрирдаги Дастури ва Низомининг ХДП аъзолари ҳамда партиясиз фаоллар томонидан чуқур ўрганилишини йўлга қўйишдан иборат**. Марказий Кенгаш Котибиятининг яқинда қабул қилган шу ҳақдаги қарорида, ташкилотларнинг аниқ вазифалари белгиланди, уларга тавсиялар берилди. Газеталаримизда услубий ашёлар эълон қилинмоқда. Эндиги навбат — бу муҳим ишга пухта ҳозирлик кўриб, машғулотларнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш. Токи, барча сафдошларимиз партия Дастури ва Низомини чуқур ўзлаштирсинлар. Зеро, партиямизнинг бош сиёсий ҳужжатларини оммалаштириш ҳам, унда илгари сурилган ғояларни рўёбга чиқариш ҳам, кўп жиҳатдан, ана шунга боғлиқ.

Мазкур соҳадаги яна бир долзарб вазифамиз, бу — **партиямизнинг дастурий қоида ва вазифаларини аҳоли барча қатламлари орасида кенг тарғиб қилиш**. Бу қисқа вақтга мўлжалланган иш бўлмаганлиги сабабли, уни узоқ муддатли режа асосида ташкил этиш ва унга партиянинг бутун ақлий салоҳиятини, энг тажрибали тарғиботчиларини жалб қилиш, оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш тавсия этилади.

**Партиянинг фаолиятини матбуотсиз тасаввур этиш қийин**. Аммо, афсуски, шу оддий ҳақиқатни тушуниш жойларда жуда қийин кечмоқда. Акс ҳолда, Марказий Кенгаш Котибиятининг партия даврий нашрларига 2000 йил учун обунани ташкил этишга доир қарорларининг бажарилиши, ташкилотларимиз раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида, барбод бўлармиди? Топшириқларни Навоий ва Тахиатош шаҳар, Жалолқудуқ, Конимех ва Чилонзор туман партия ташкилотларигина тўла, Бувайда тумани партия ташкилоти — иккита ва 18 та шаҳар (туман) партия ташкилотлари битта нашр бўйича бажаргани, биронта вилоят партия кенгаши назорат рақамларини ярмига ҳам уддалай олмаганлиги шундан далолат беради. Жойларда аҳвол шундай бўлгандан кейин умумий натижа яхши бўлиши мумкинми? Албатта, йўқ!

Шуларни ҳисобга олиб, **Марказий Кенгаш Котибияти жорий йил учун обунани тўхтатмай давом эттириш тўғрисида қарор** қабул қилди. Унинг боришини таъминлашга ўз улушини қўшиш — барча партия ташкилотлари, ҳар бир партиядошимизнинг муҳим вазифаси.

Партиямизда анча олдинроқ туғилган **«Энг яхши ташвиқот — амалий ишлар»**, деган шиорни бугун яна бир бор такрорлаб, унинг ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлигини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Турли маданий-маърифий, хайрия тадбирларини, шу жумладан, Соғлом авлод йили доирасида, уюштириш, фуқаролар билан бевосита алоқада бўлиб, уларнинг дардини эшитиш, оғирини енгил қилишга кўмаклашиш ташкилотларимиз, муассасаларимиз, депутатларимиз, бутун партиянинг нуфузини мустаҳкамлашга, рейтингини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Хуллас, **мафкуравий иш жонли, ижодий ва узлуксиз жараёндир**. Масалага ана шу ҳақиқат юзасидан ёндошсак, бу соҳадаги ишларимиз таъсирчан ва самарали бўлади. Партия аъзоларининг сиёсий маданияти ва фаоллиги янада ошади, тарафдорларимиз сони, албатта, кўпаяди.

## ЎЗГАРАЁТГАН ШАРОИТЛАРДА ПАРТИЯ

Партия олдида турган мураккаб вазифаларни муваффақиятли бажариш учун, аввал-амбор, ташкилотимизнинг ўзидан мамлакатда қарор топган янги сиёсий муҳит, шароитга мослашиш талаб қилинади. Гап нима тўғрисида бормоқда? Биринчи навбатда, **Ўзбекистон ХДПнинг ҳақиқий парламент партияси қиёфаси ва хусусиятларига эга бўлиши** устида бораётир. Бунинг моҳияти шундаки, агар, ҳозирганча, биз партиямизни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, дастурий ғояларини халққа танитиш, ислоҳотларда иштироки, амалий ишлари билан жамиятда обрў топиш, мамлакатдаги нуфузли сиёсий кучлардан бирига айланишига эришган бўлсак, эндиликда, унинг фаолиятини парламентчилик иши ўзанларига тўла ва узилкесил йўналтириш талаб қилинади.

Демак, биз бундан кейин нимаки қилсак, уларнинг барчасига парламентчилик фаолияти нуқтаи назаридан ёндошишимиз, уни қўллаб-қувватлаш, кўмаклашиш ва самарадорлигини ошириш борасида тинмай ҳаракат қилишимиз даркор. Зеро, бу партиямиз дастурий ғояларини рўёбга чиқаришнинг ягона қонуний воситасидир.

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, **партия тузилмаларини такомиллаштириш, унинг барча ташкилот ва муассасалари фаолияти самарадорлигини оширишга** қаратилган чора-тадбирларни кўриш зарур.

**Партия матбуоти фаолиятини ҳам ҳозирги вазифалар ўзанига**, яъни партиянинг парламентчилик ишини мунтазам ва ҳар томонлама ёритишни йўлга қўйиш ҳамда сайловчилар орасида унинг имиджини яхшилаш ва рейтингини кўтаришга яқиндан кўмаклашишга йўналтириш талаб этилади. Бу «Мулоқот» журналига ҳам маълум даражада тааллуқлидир.

Иқтисодий қийинчиликлар мавжуд ҳозирги шароитда **партия ташкилотларининг моддий-техника ва молиявий аҳволини мустаҳкамлашнинг** аҳамияти ошмоқда. Кейинги сайловолди мавсумида бу нарса янада яққолроқ намоён бўлди. 1999 йилги партия бюджетининг бажарилиши ва 2000 йилга партиямиз бюджетининг асосий кўрсаткичлари ҳақидаги ёзма маълумотнома пленум қатнашчиларига тарқатилган. Шуни ҳисобга олиб, мазкур масаланинг айрим томонларига тўхталмоқчимиз.

Маблағ, транспорт ва алоқа воситаларисиз бирон бир жўяли иш қилиб бўлмаслиги тўғрисидаги ҳақиқатни тушунмайдиган партия кенгашлари котиблари бўлмаса керак. Аммо, ундан тегишли хулоса чиқариб, муаммонинг ечимини топа олган маҳаллий партия ташкилотларининг раҳбарлари, афсуски, бармоқ билан саноқли.

Бундай аҳволнинг бош сабабини биз **кўпчилик партия ташкилотлари биринчи котибларининг боқимандалик касалидан қутила ололмаётганликларида**, деб биламиз. Улар бозор муносабатлари қарор топаётган жамиятда яшаётганлигимизни, керакли маблағларни юқори ташкилотлардан сўраш эмас, балки, мамлакатдаги бошқа ноҳукумат ташкилотларига ўхшаб, ўзлари ишлаб топишлари лозимлигини англаб етмаяптилар.

Бизда маҳаллий партия ташкилотларининг бемалол фаолият кўрсатишлари учун етарли моддий ва молиявий имкониятлар мавжуд бўлса-да, уларнинг баъзиларининг раҳбарлари ундан оқилона фойдаланишни ўргана ололмаяптилар. Айрим партия кенгашларининг молиявий аҳволи ачинарли бўлса ҳам, улар меҳнат қилмай роҳат-фароғатда яшамоқчилар. Бунга ортиқча чидаб бўлмайди.

Жорий йилга партиямиз бюджетини уч фоиз камомад билан тақдим эта туриб, таъкидламоқчимизки, — деди маърузачи, — **ўзини ўзи молиялаш — бизнинг хўжалик юритиш соҳасидаги бош йўлимиз эди ва шундай бўлиб қолади**. Ҳар бир партия кенгаши биринчи котиби ҳам сиёсий, ҳам хўжалик раҳбаридир. У ташкилотнинг моддий-молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, маблағлардан оқилона фойдаланиш учун масъулдир.

Марказий Кенгаш Ишлар бошқармаси маҳаллий партия ташкилотларининг молиявий аҳволидаги нуқсонларни ўрганиб, уларни бартараф қилишда ёрдам кўрсатиши даркор.

Қатор маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятидаги жиддий нуқсон ва камчиликлар, сайловлардаги қониқарсиз натижаларнинг бош сабаби, бизнингча, уларни **раҳбарларнинг жўшқин ҳаётдан орқада қолганликлари**, изланувчанлик, янгиликка талпиниш, кишиларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиш каби, етакчиларга хос хусусиятларни йўқотганликлари, чарчаб қолганликларидадир.

Биз бундан тўғри хулоса чиқариб, **ХДП маҳаллий кенгашларини замон талабларига мос ишлай оладиган, ғайратли ёш кадрлар билан мустаҳкамласак, жуда тўғри** бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги босқичи бутун жамият, шу жумладан Ўзбекистон ХДП, олдига ҳам янги вазифаларни қўймоқда. Уларни муваффақиятли ҳал этиш **партиянинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгиланишини, ўз фаолиятини жиддий тарзда яхшилашини тақозо этади.** Бунинг учун унинг салоҳият ва имкониятлари етарли.

*/ *Маърузанинг қисқартирилган баёни*

## ЎЗБЕК ТЕХНОЛОГИЯСИ

# ЯНГИЛИК ЯРАТИЛДИ, АММО...

Республикамиз иқтисодиётининг асосий тармоғи — қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Пахтачилик, ғаллачилик соҳасини механизациялаштириш, деҳқон меҳнатини енгиллатиб, аввало иш унумдорлигини, ҳосил миқдорини ошириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан биридир. Дала меҳнати ерга уруғ қадашдан бошланади. Агар уруғ ерга сифатли қадалса олинадиган ҳосил ҳам мўл бўлади. Пахтакор туманидаги Тажриба-таъмирлаш механика заводида қилинаётган ишлар диққатимизни тортди. Мамлакатимизнинг эртаси учун, истиқболи учун оддий, содда, деҳқонбоп қилиб яратилаётган иш қуроллари Жиззах вилоятида ўз эътиборини топмоқда.

**Шариф Юсупов мазкур завод директори:** — Тўғрисини айтсам заводимиз маҳсулот етишмаслиги, ишчи кучи камлиги сабаб 1998 йиллар «тиззалаб» қолган эди. Вилоят ҳокимлиги, «Ўзсувқурилиш» концерни саъй-ҳаракати билан 1999 йилда қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш тизимига ўтказилди. Ўтган бир йил ичида ишчилар сони 80 тага етди, ўртача иш ҳақи 18.700 сўмни ташкил этди. Биз бундай ютуққа, аввало, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган меҳнат қуролларини янгилаш, иш сифатини ошириш натижасида эришдик. Ўтган йили 75 миллион даромад қилинди, шундан соф фойда 10 миллион сўмни ташкил этди. Унинг 5 миллионини яратувчанликка ажратдик. «Ўзтелерадио» компанияси орқали «Биз ғоя сотиб оламиз» рекламасини намойиш қилдик. Ҳозир бизга тўрт нафар мутахассис мурожаат қилишди. Уларни бепул турар жой билан таъминладик. Иш ҳақини 20 минг сўм қилиб белгиладик. Ҳар бирига алоҳида бригада ажратдик. Натижалар чакки эмас.

Ғаллаорол қишлоқ хўжалиги илмий текшириш институти илмий ходими Баҳром Қоржовов билан ҳамкорлигимиз ҳам ёмон бўлмади. Хўжаликлар деярли ҳар йили бараналарини таъмирлатгани олиб келишарди. Биз темир тишлар ўрнини темир пичоқлар билан алмаштирдик. Иш сифати ўзгармади, қулай томони пичоқлар қанча ишлатилса, шунча чархланаверади, ернинг ўзи ўткирлаштиради. Эндиликда уч-тўрт йиллаб таъмирлаш керак бўлмайди. Ортиқча сарф-харажатга ўрин қолмайди. Бундан ташқари чизиллаш, пушта олиш аппаратларини ҳам мустаҳкам, чидамли қилишга эришдик. Илгарилари чеканка қиладиган аппарат Ленинободда чиқариларди. Жиззах вилоятида қўл кучи етарли эмас, шу сабаб ушбу аппаратни заводда чиқаришга муваффақ бўлдик. Бизнинг мақсадимиз деҳқонларимиз қўл меҳнатини енгиллатиш, мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши юксалишида ўзимизнинг ҳиссамизни қўшиш.

Янги ғалла экиш сеялкасини бир йил олдин «Ўзмашинасинов» марказига топширганмиз. Насиб этса яхши натижа кўрсатади. Ҳозирги кунда янги чигит экиш сеялкасини ишга шай қилиб қўйдик. Баъзи хўжаликларда







синовдан ўтказилди. Мақсадимиз имкон бўлса шу йилнинг ўзида экиш мавсумига етарлича сеялка тайёрлаб бериш. Бизни ажаблантиргани, тегишли ташкилотларнинг ўта бефарқлиги бўлди. «Ўзсувқурилиш» концерни бошлиғи Искандар Юсупов билан Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Бахтиёр Олимжонов ҳузурида бўлдик. Мамлакатимиздаги етук мутахассис, «Ўзмашхолдинг» раиси Рафиқ Матчонов ҳам таклиф этилди. Суҳбат жараёнида бизнинг янгилигимиз барчага маъқул келди. Савол-жавоблардан қониқдик. Бизни қониқтирмагани Рафиқ Матчоновнинг: **«Мен умр бўйи шу иш билан шуғулланиб келдим. Қўл уриб бекор қилибсизлар. Барибир натижа бўлмайди»**, — деган гапи бўлди. Нимага шаъма қилганини тушунмадик. Б. Олимжонов эса: **«Бизда маблағ йўқ, бўлмайди-ям! Кучларинг етса чиқаравериглар»**, — деди хотиржам. Биз сизда маблағ бўлмаса, имтиёзли кредит олишга ёрдам беринг десак **«Менинг гапим фақат «Пахта банк»ка ўтади. Бошқасига кафолат бермайман»**, — деди. Ваҳоланки, ҳисоб рақамимиз Миллий банкда эди. Келинг, чигит экиш сеялкаси хусусида патент эгаси, қурувчи-муҳандис Лаврентей Кимдан эшитайлик.

**— Бизнинг ихтиромиз жуда содда, фойдаланишда деҳқонга қийинчилик туғдирмайди. Рама устига тўртта бункер жойлашган, бункер ичида эса металл ротор жойлашган. Роторда махсус тешикчалар бўлиб, ихчамлаштириш, кенгайтириш хусусиятига эга. Тешикчаларга чигит жойлашади, белгиланган сантиметрга доналаб ташлаб кетади. Ротор рамага ўрнатилган иккита темир ғилдиракнинг ҳаракати билан ишлайди. Бу ерда ортиқча қисмлар йўқ. Шестирна, юлдузча, пластмасса қути, цеп умуман ишлатилмайди. Пастки қисмлар: олдида сирпанғич мавжуд, у кесак, тош ва бошқа экишга ҳалақит қиладиган нарсаларни супириб кетади. Кейин жўяк олувчи мослама, чигитни аниқ жўякка ташловчи қисм ва устидан тупроқ тортиб кетадиган металл қисмлар мавжуд.**

**Бундан ташқари, янги культиваторнинг ҳам патенти бор. У иш жараёнида ғўза қатор ораларидаги бегона ўтларни кесиб ўтиш хусусиятига эга. Синов даврида мавжуд майдондаги 65-70 фоиз ўт-ўланни томири билан кесиши мумкинлигини кўрсатди. Лекин маблағ йўқлиги сабаб ишлаб чиқаришга эриша олмаяпмиз. Энг қизиғи, АҚШ, Россия ва бошқа бир қанча давлатлар пахта териш аппарати устида анча йилдан бери иш олиб боришади. Натижалар эса юқори эмас. Мен барча тик, ёнлама шпендилли аппаратларни махсус ўргандим. Улар ҳали барқ уриб очилмаган пахталарни ҳам териб кетишади. Бу аввало сифатли тола олишга, қолаверса, ўсимлик ёғи ва бошқа маҳсулотлар олишда салбий таъсир кўрсатади. Мақтанмайману, мен уларнинг камчилигини топгандай бўлдим. Шпендилларсиз, ҳаво сўрғичлари орқали ишлайдиган пахта териш аппаратини яратдим. Секундига 18-20 метр тезликда ишлайдиган ҳаво сўрғичлари фақат етилган, барқ уриб очилган пахталарнигина териб олади. Энг асосийси, умуман дефолиация керак бўлмайди. Табиий экологияни сақлаш имкони ҳам мавжуд. «Ўзмашкейс»га бордим, ихтиромни тушунтирдим. Жон Болтон, Кевин Ричмандларга маъқул келди. Оммавий ишлаб чиқаришнинг эпини тополмаяпман.**

**Мен асли рационализатор бўлиб туғилган бўлсам керак. Янгиликсиз яшай олмайман. Яхшиям, Тажриба таъмирлаш механика заводи, унинг Шариф Юсуповдай директори бор экан. Мени қўллаб турибди. Юртбошимиз «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», деган эдилар. Агар мамлакатимизда қилинаётган рационализаторлик таклифларини ҳаётга жорий эта олсак, ўз техникамизни четга экспорт қила олсак, бугунимиз ҳам буюк бўлади.**





Пахтачилик бобо касб, деб қўйишади деҳқонлар. Бобо касб билан эса мамлакатимизнинг асосий аҳолиси шуғулланиб келишади. Қўл меҳнатини енгиллатиш, деҳқонларга қулай шароит яратиш эртамизни янада фаровон қилиши шубҳасиз. Мутахассис айтгани каби ўта оддий сеялканинг иш фаолиятини ўз кўзим билан кўриш истаги туғилди. Чунки, четдан қараб: шуям экадими? — дейиш табиий. На занжири бор, на шестернаси, умуман ротордан бошқа бирорта қисм йўқ! Туманга қарашли Х. Абдужабборов номли ширкатлар хўжалиги бир дона сотиб олган экан. Хўжалик раҳбарларидан далада синаб кўришни илтимос қилдик. Йўқ дейишмади. Йўл-йўлакай ҳамроҳларимни суҳбатга тортдим.

**Обломурод Исоқов, Х. Абдужабборов номли ширкатлар хўжалиги раиси:** — Шу соҳада 19 йилдан буён ишлаб келаман. Деҳқоннинг юкини енгил қиладиган нарса соз-гина техниканинг мавжудлиги. Биз хўжалик далаларида мазкур сеялкани синаб кўрдик. Мана ўзингиз кўриб турибсиз, экиш сурати, сифати яхши, фақат баъзи деталларини такомиллаштириш керак. Бу йўл-йўлакай қилинадиган ишлар. Асосийси, деҳқонбоплигида. Аввалги сеялкаларда қисмлар шу қадар кўпки, бирортаси бузилса, тузатгунча соатлаб вақт кетади. Экиш даврида ҳар бир дақиқа ғанимат! Яна ортиқча қисмлар борлиги тракторни куч билан ишлашга мажбур қилади. Шестерналарнинг қизиши натижасида чигитнинг синиш, эзилиш ҳоллари учрарди. Бунда эса битта ротор бор. Ишқаланиш ҳам йўқ, қизиш ҳам, чигит ҳам бус-бутун тушаверади. Бир сменада кўрсатма бўйича битта трактор 10 гектар экарди, бунда 20 гектаргача экиш мумкин.

Хориждан валюта ҳисобига сеялка сотиб олинди. Руминлар ҳам деҳқони халқ экан. Иш сифати яхши. Аммо муаммо бўлгани, бирор жойи бузилса мутахассис топгунча қийналиб кетасан, ундан ташқари ҳаво сўрғичлари орқали чигит тортиб олинар экан. Бирор бункердаги сўрғич ишламай қолса экмай кетаркан. Бу сеялкани деҳқоннинг ишлатиши қийин экан.

Ўзим янгиликни яхши кўраман. Бу йил биттасини ишлатиб кўрамиз. Ҳозирча синовлар яхши натижа берди.

**Миразим Абдураҳмонов, мазкур хўжаликнинг 4-бўлими бошлиғи:** — Деҳқончиликда 30 йиллик тажрибам бор. Аммо бунақасини биринчи кўришим. Ҳар қаторга чигитни доналаб ташлаши, бир метрга қанча чигит экиш керак бўлса оддийгина қилиб мослаб қўйиш мумкинлиги деҳқонга жуда қулайлик туғдиради. Ҳар уяга бешта-ўнталаб экмайди. Бу йил 30 гектар ерга пахта экамиз, мавжуд майдонга шу сеялкадан фойдаланишга қарор қилдик. Бу ерда биринчидан, ортиқча ишчи кучи керак бўлмайди. Иккинчидан, ёнилғини тежаб қолиш мумкин. Қолаверса, экиш мавсумининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланса бўлар экан.

Биласизми, бир пайтлар Асакада чиққан ўзимизнинг машиналаримизга унчалик ҳам қизиқиш йўқ эди. Одат бўлиб қолган Россия машиналарини мақтаб юрардик. Ҳозир ҳамма Нексия, Тико, Дамас олишга қизиқаяпти. Қулайлигини эндиликда сезиб қолишди. Янги сеялкага ҳам ҳозирда эътибор камроқ. Бироқ ҳадемай ҳамма деҳқон фақат шу сеялкада экамиз, дейишига аминман. Янгилик ҳаётга қийинчилик билан кириб келади.

**Мақсад Усмонов, «Навбаҳор» деҳқон-фермер хўжалиги бош агрономи:** — Бу сеялка билан исталган чуқурликка исталган уруғ доналарини қадаш мумкинлиги менга маъқул келди. Афзаллиги, аппарат ҳаракатни ғилдиракдан олади. Ҳеч қандай занжир, кардан керак эмас. Олдинги сеялкаларда ҳар гектарига 40-50 кг. уруғ экилган бўлса, энди бехато, доналаб экиш сабаб гектарига 25-30 кг. уруғ қадаш имконини беради. Деҳқон далага уруғни ҳисоб-китоб қилиб экиши, ортиқча сарф-харажат қилмаслиги қулай. Иқтисодий томондан жуда соз экан янги сеялка. Мени қувонтиргани, шу сеялка мустақиллик даврида, ўзимизда яратилгани бўлди.

Деҳқоннинг кўнгли яйрайдиган замонлар келди. Эндиликда экин экиладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолати, табиий ресурсларга бойлигини ҳисобга олиб ўз техникамизни ўзимиз яратишимиз, керак бўлса, хорижга ҳам чиқара оладиган даражада такомиллаштиришимиз давлатимизнинг обрўсига обрў қўшади. Мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқади.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**
**Суратларни Шавкат АКРАМОВ олган.**

## ДУНЁ ДАРЧАСИ

### ҚАРЗ КЎПАЙМОҚДА

2000 йил 1 январь куни Россия давлат қарзи 4 триллион 871 миллиард рублни ташкил этди. Бу рақам мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг 108,7 фоизига тенгдир. Ўтган йилда Россиянинг қарзи 22 фоизга ўсган.

Россия молия вазирлиги маълумотига кўра, жами қарзнинг 4 триллион 287,4 миллиарди ташқи, 583,6 миллиарди эса ичкидир. 1999 йилда ташқи қарз ҳажми 32,6 фоиз ўсган, ички қарзи эса 23 фоиз қисқарган.

### КЛАРК ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Германияда НАТОнинг Европадаги бирлашган қуролли кучлари бошлиғи Уэсли Кларкнинг истеъфога чиқиши муносабати билан ҳарбий парад бўлиб ўтди. Германия мудофаа вазири Рудолф Шарпинг У. Кларк билан учрашиб, унинг Европада барқарорликни таъминлаш, хусусан, Болқон минтақасида тинчликни қарор топтириш борасидаги ишларини юқори баҳолади.

ГФР мудофаа вазирлиги маълумотига қараганда, У.Кларк жорий йилнинг 23 июнидан нафақага чиқиши муносабати билан истеъфога чиқади. У ҳарбий соҳада 31 йил хизмат қилган.

### ЧЎЛЛАРДАГИ ҚИДИРУВЛАР

Буюк Британиянинг «Бритиш Петролум - Амоко» нефт концерни Жазоирнинг жанубий чўлларидаги «Ин Сала» номли йирик газ конини ўзлаштиришга киришмоқда. Мазкур концерн «Ин Сала» лойиҳаси учун 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфлайди. «Ин Сала» конидаги газни Европага сотиш 2003 йилдан бошланади.

Жазоир газ экспорт қилиш борасида дунёда Россиядан кейин иккинчи ўринда туради.

## ОЧИҚ ГАПЛАР

# СОДДАЛАРЧА АЛДАНУВ

Тирикчилик инсонни не кўйга солмайди, қоронғулик ботқоғига ботаётганини сезса-да, игнанинг тешигидек ёриқдан жимирлаб кўринган нурга талпинади. Нажот истайди. Жимирлаётган нурнинг сароб эканлигини боши деворга урилгандагина сезади инсон. Ҳожиакбар ака ҳам тирикчиликни деб бизнесга қўл урди. Таниш-билишларидан қарзга пул сўрай бошлади. Бахтига бир таниши устама қайтариш йўли билан қарзга пул берадиган одам борлигини айтди. Фақат қарзга арзигулик нарсани гаровга қўйиши керак эди. Туғишгандек бўлиб қолган Р. Сулаймонованинг уйига борди:

— Опа, сиздан бошқа борадиган жойим йўқ. Онам касал, даволатишга пулим йўқ. Уч-тўрт ойга уйингизнинг ҳужжатларини бериб турсангиз, гаровга қўйиб пул оламан. Тадбиркорлик билан шуғулланаман, — деди.

Рисолат опа ишонди, уйининг ҳужжатларини бериб юборди. Орадан уч-тўрт ой ўтгач, Ҳожиакбар ака яна келди:

— Опа, фоизга қарз берувчини топдим, озгина расмиятчилиги бор экан, биз билан бирга юрсангиз, — деди.

Р. Сулаймонова билан бирга Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани 1-сонли нотариал идорасига боришди. Қоғозлар имзоланди. 1997 йил 9 октябрда тузилган олди-сотди шартномасида уйининг баҳоси 141 000 (бир юз қирқ бир минг) сўм баҳоланди. Томонлар розилиги олинди. Аммо бу қоғоз бир кун келиб Рисолат опани ҳамда балоғатга етмаган ўғлини уй-жойсиз қолдиришини билмаган эди...

Шу тариқа судлашишлар бошланди. Суд ҳукмлари эса ҳар гал Рисолат опа кутгандек эмасди. Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг 1999 йил 12 июлдаги хатига биноан қайта текширув ўтказилиб, қонунчилик асосида ҳал этилиши сўралди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар судининг 1999 йил 12 октябрдаги хатига асосан Тошкент шаҳар суди Раёсати Чилонзор туман судининг ҳал қилув қарорини бекор қилди. Қайта кўриб чиқиш учун туман судининг бошқа ҳайъатига юборилди.

Шундай қилиб 2000 йилнинг 14 январида Чилонзор туман суди биносида очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд жараёнида шу нарса аниқландики, даъвогар К. Собирова Тошкент шаҳар 1-сонли нотариал идораси орқали Чилонзор туманидаги Д 20-мавзе, 36-уй, 4-хонадонни олди-сотди шартномаси асосида сотиб олганлигини айтди. Жавобгар Р. Сулаймонова эса уй сотилмаганлигини, балки гаровга қўйилганлигини, гаров пулини эса ўзи эмас, Ҳожиакбар Халилов олганлигини таъкидлайди. Уй ҳужжатларини қайтиб олиб кетмоқчи бўлганида, нотариал идора ходими «Ҳужжатларингиз бизда туриб туради, укангиз олган пулини қайтариб бергач, олиб кетасиз», деди. Бизнес қиламан деган Ҳожиакбар ака эса инфаркт бўлиб, пулни қайтара олмаганини айтди. Гувоҳ сифатида иштирок этган 1-сонли нотариал идора нотариуси Ш. Юнусов барча ҳужжатлар қонун асосида тузилганлигини таъкидлайди.

Келинг энди, айбдор ва гувоҳларнинг тушунтириш хатларига эътибор қилайлик: Ҳожиакбар Халиловнинг даъво аризасидан кўчирма: «Рисолат опа менга яхшилик қилиш мақсадида уй ҳужжатларини уч-тўрт ойга бериб турди. Маклер Тошмуҳаммедова гувоҳлигида К. Собировадан 4000 АҚШ доллари бериб туришини сўрадим. У рози бўлиб, 15 фоиз устама беришимни ҳамда 6 ойга уй ҳужжатларини нотариус орқали расмийлаштириб беришимни айтди. Мен рози бўлдим. Рисолат опа ҳамроҳлигида нотариусга бордик. Ҳужжатлар имзолангач, М. Тошмуҳаммедова К. Собировадан 1700 АҚШ доллари олиб берди, қолганини ой охирида беришини айтди. Уй гаровга эмас олди-сотдига қўйилганини кейин билдим. Уй учун Р. Сулаймонова бир сўм ҳам олмаган». Ахир шартномада миллий сўмимизда дейилган-ку. Даъво аризасидан маълум бўлаяптики, пулни қарзга уйнинг эгаси эмас, бошқа одам олган. Нега энди Р. Сулаймонова жавобгар бўлиши керак? — деган савол туғилади.

Алгоритм мавзеси 1-уй, 68-хонадонда яшовчи Иброҳим Назаровнинг тушунтириш хатидан: «Рисолат уйини гаровга қўйганлигини биламан. Олди-сотдига эмас. Биз Ҳожиакбар иккаламиз уч марта 300 доллардан устама олиб бориб берганмиз». Нима бўлганда ҳам олинган пул ўз вақтида қайтарилмади. Бир оила емаган сомсасига пул тўлади, тўғрироғи жабр кўрди. Бунга сабаб, гаровга эмас, балки олди-сотди шартномасига қўл қўйилганлиги, шартномага биноан 28.200 сўм миқдорида давлат божи ундирилганлиги. Уйни олди-сотди қилишда мазкур хонадонда 1996 йил 14 сентябрдан буён рўйхатда турган Валишер Ярашев розилиги олинмади. Бу нима соддаликча алданишми? Бировга яхшилик қиламан деб Рисолат опа алданибди, хўш ҳақиқатни қарор топтиришда суд кимга алданмоқда?

2000 йил 14 январидаги Чилонзор тумани судининг очиқ мажлисидаги ҳал қилув қароридан: «1948 йилда туғилган Рисолат Сулаймонова ва 1985 йилда туғилган Ҳаёт Сулаймонов Чилонзор тумани Д 20-мавзе, 36-уй, 4-хонадондан бошқа турар жой берилмасдан кўчирилсин.

Даъвогар Клара Собированинг даъвоси қаноатлантирилсин».

Биз ушбу мақолага хулоса қилмадик. Атрофлича мулоҳаза юритмадик. Чунки, адолатли қонун органлари жиддийроқ эътибор беришар. Қолаверса, сомсанинг пулини еганлар тўлаши керак-ку!

■ **Бобомурод РАЙИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ДУНЁ ДАРЧАСИ

## БУ САФСАТА ЭМАС

# ҲАР ЖОЙНИНГ ТОШ-ТАРОЗУСИ БОР

Россияда ароқнинг нархи кўтарилди. Миллий алкоголь ассоциациясининг хабар қилишича, бир литр спиртнинг нархи 62 рублни ташкил этди. Россияда охирги марта ароқнинг нархи 1999 йилнинг 15 мартида оширилган бўлиб, ўшанда 47 рублга чиққан эди.

Спирт нархининг кўтарилишига Россия ҳукуматининг ароқ савдосига қўйилган солиқларни 41 фоизга кўтаргани сабаб бўлди. Россия президенти вазифасини ижро этувчи Владимир Путин президент этиб сайланишга умид қилар экан, айни қарорнинг қабул қилиниши кўпчиликни ҳайратга солди, албатта. Чунки бу қарорнинг қабул қилиниши Путиннинг обрўси тушишига олиб келиши мумкин. Зеро, Россияда спиртли ичимликлар энг кўп даражада истеъмол қилинади. Россия аҳолиси орасида ўтказилган сўровларга кўра дастлабки пайтларда Путиннинг обрўси юксак чўққида бўлган бўлса, ҳозирги пайтга келиб уни қўллаб қувватловчилар сони 58 фоиздан 52 фоизга тушган. Бироқ, Владимир Путин Россиянинг иқтисодий муаммоларини тезроқ ҳал қилишга уринаётган кўринади. Россия раҳбарлари кўпинча алкоголизмга қарши кураш учун турли усулларни қўллаб келишган. Масалан, собиқ Иттифоқнинг биринчи ва охирги президенти Михаил Горбачёв 1985 йилда ҳокимиятга келган пайтда спиртли ичимликларга қарши қонунлар киритгани фуқароларни ғазабга келтирган эди. Лекин Юрий Андропов даврида бунинг акси бўлган. Яъни ароқнинг нархи кескин тушиб кетган. Шу тариқа Андроповнинг обрўйи кўтарилиб кетган эди. Иттифоқ тарқалиб, Борис Ельцин Россия президенти бўлиб қолгач, вазият ўзгарди. Спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш осонлашди ва кўпайди. Владимир Путиннинг ишонишича, ароқ савдосига солиқларни ошириш иқтисодий муаммоларни бир қадар ечишга имкон яратади. Унинг ушбу қадами россияликлар томонидан олқишланади, деб ўйламоқда Владимир Путин.

■ **Хорижий манбалар асосида тайёрланди.**

